

ТОШКЕНТ

ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. + № 164 (6.055) + 1986 йил 18 июль, жума + Бяхоси 3 тийин.



ТАШАВБУС ИЗИДАН


Волга автомобил заводи ишчи-хизматчиларининг ишдан бўш вақтларида социал, маданий ва маиший объектларда бу йил қандай тўрт кун ишлаб бериш ҳақидаги ташавбуси тобора кенг қулоч ёймоқда. Сергел районидagi 243-граждан авиацияси ремонт заводи ишчи-хизматчилари ҳам бу ташавбусни яқинлик билан қувватладилар.

Ишлаб чиқариш бригадаларининг коллективлари социал, маданий-маиший объектларни куриш, ремонт қилиш, ёрдамчи хоналарини бўғди этиш бўйича қизгин иш олиб боришяпти. 6-дехнинг А. Стрельцов, Х. Абдураззоқов ва бошқалар етакчилик қилаётган бригадалари бу борада бошқаларга намуна бўлмоқдалар.

СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРАЙЛИК

МУСОБАҚАНИ ЗАНГ БОСГАН РАСМИЯТЧИЛИКДАН ХАЛОС ҚИЛИШ — УНГА ИЛҲОМ, ЧИНАКАМ БЕЛЛАШУВ ВА ЖАНГОВАРЛИК РУҲИНИ БАХШ ЭТИШ ДЕМАКДИР, ШУНДАН ҚИЛМАЙ ТУРИБ, ИНСОН ЎЗ МАҲОРАТИ ВА ЭРКИНЛИГИНИ ТУЛА-ТУКИС НАМОЕН ЭТА ОЛМАЙДИ. ПИРОВАРДНАТИЖАДА ЭКОНОМИКАНИНГ УСИШИ ҲАМ, ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИНГ ОШИШИ ҲАМ ҲАР БИР КОЛЛЕКТИВНИНГ, ҲАР БИР МЕҲНАТЧИНИНГ УМУМИЙ ИШГА МЕҲНАТ БИЛАН ҚУШАДИГАНУЛУШИГА БОҒЛИҚ. ЖАДАЛЛИК ЎЗ-ЎЗИДАН, АВТОМАТ ТАРЗДАРУЙ БЕРАДИ, ДЕБ ҲЕЧ КИМ УМИД ҚИЛА ОЛМАЙДИ.

[КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи меҳнаткашларига Мурожаатномасидан].



Шаҳримиздаги пластмасса буюмлари ва рўзгор химияси заводининг полиэтилен маҳсулотлар тайёрлаш участкаси коллективни социалистик мусобақани кун сайин авж олдиришмоқда. Участканинг коммунист Босит Очлов бошлик қилаётган коллективи ўзaro мусобақада пешқадамлик қилмоқда. Юсак марраларини кузлаб меҳнат қилаётган бригадалар шу кунларда учинчи квартал шахсий план топшириқларини муддатидан илгари адо этиш учун астойдил меҳнат қилишмоқда.

СУРАТДА: бригада бошлиғи Босит Очловни иш устида кўриб турибсиз.

М. Нуридинов фотоси.

Қўл меҳнати

ТУГАТИЛДИ

Тошкент тепловоз ремонт заводи чўйи қўйиш цехи рационализаторлари пичи тулдир иш муддатини уч баравар қисқартирдилар. Илгари беш киши тонна-тонна шактларини пича курак билан ташларди, эндиликда бу ишга тўла механизациялаштирилди. Бу эса қўйилма сифатига ҳам, меҳнат шартинига ҳам баракали таъсир қилди.

Заводда Н. Акемиров, В. Шамовский, Р. Иззетуллоев ва бошқа новаторларнинг номларини фахрланиб тилга олдирдилар. Улар кўп ишчиларнинг меҳнат шартларини яхшилашга ёрдам бердилар. Бир қанча жараёнлар механизациялаштирилганига ва автоматлаштирилганига тўғрйли цехнинг асосий маҳсулоти, — термоз колодалари ишлаб чиқариш бир ярим баравар кўпайди.

Муддатидан илгари бажарамиз

Корхонамиз азаматлари ўн иккинчи беш йилликнинг биринчи йили олти ойлик планини муддатидан илгари бажариб, пландан ташқари 145,7 минг сўмлик хизмат кўрсатишди. Ана шу даврда 397 та машина йўловчилар хизматига пландан ташқари чиқаришди. Ҳозир автокорхонамиздаги 116 та бензин билан юрадиган машина газ билан юргазилга ўтказилди. Бу билан ҳайдовчилар учун қўлай бўлган бу ёқили билан юрадиган таксилар сони ниҳонамизда 416 тага етказилди.

Менинг бригадам аъзолари ҳам ярим йиллик планни муваффақиятли адо этишди. Аҳолига пландаги 172,3 минг сўм ўрнига 196,5 минг сўмлик хизмат кўрсатишди. Бу 134 процентия ташкил этади. Г. Стойченко, В. Ка-

гозин, К. Эрматов, В. Бахметов, П. Маэстра, Д. Соколов каби ҳамкасбларим иккинчи йиллик планни Улус Октябрь Социалистик революциясининг 70 йиллик байрами кунигача бажаришга аҳд қилиб меҳнат қилишмоқда. Ойлик планларини ҳаминча 110, 120 процент қилиб адо этаётган бригадамиз меҳнаткашлари бугунги кунда август ойи ҳисобига ишлашмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи меҳнаткашларига Мурожаатномасига жавобан мен ўзим ҳам иккинчи йиллик планни Октябрь революцияси байрамигача бажаришга аҳд қилиб меҳнат қилмоқдам. Шунинг билан ҳам эсдан чиқармаслик керакки, КПСС Марказий Комитетининг Мурожаатномасида

айтилганидек: «Мусобақа билан мустаҳкам меҳнат йиғини бир-биридан ажратмаслик. Унинг ҳар бир қатнашчиси меҳнатсеварлик, юсак ахлоқийлик ва уюшқонлик намунаси бўлиб қолсин». Чиндан ҳам интизом бор жойда зиммалар олган топшириқ шараф билан бажарилади. Биз зиммамизга олган социалистик мажбуриятларини бажариш учун биринчи галда тартиб-интизом намунали бўлишига эришишимиз керак. Бу биздан йўловчиларга ҳаминча намунали хизмат кўрсатишимиз кераклигини таъқозо этади.

М. МИРАҲМЕДОВ, «Главташассавтотранс» бошқармасига қарашли экспериментал ишлаб чиқариш автокорхонасининг ҳайдовчиси, коммунистик меҳнат зарбдори.

Ижодий ҳамкорлик

Тошкентдаги «Подъёмник» ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи сўнгги йилларда кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришга катта эътибор беришди. Яқинда бу ерда автобонилар учун реализация бахоси 250 сўмлик йиғма гараж намунаси серияли ишлаб чиқариш тавсия этилди. Бу маҳсулотнинг биринчи туркуми тез кунлар ичинда савдо тармоқларига чиқарилади.

Ҳозир корхонада 12 хил кенг истеъмол буюмлари тайёрланмоқда. Булар — янчилган маҳсулотларини солиб қўядиган банкалар, пластмасса челақлар, тоғора, гантели ва бошқалар.

Корхона кенг истеъмол буюмлари цехи маҳсулотларини илгари охиригача бунча маҳсулоти ижодий ҳа-мкорлик шартларида ишлаб чиқаришди.

Шу йилнинг биринчи кварталда бу ерда 170 минг сўмлик кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришди. Илгари охиригача бу кўрсаткич 680 минг сўмни ташкил этади.

Коллективда янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйиш ва ўзлаштириш бўйича маҳсулоти ижодий ҳа-мкорлик шартларида ишлаб чиқаришди.

И. РАҲМАТУЛЛАЕВА, В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг студенти.

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

«Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитети 1985 — 1986 ўқув йилида партия маорифи шохобчалари иш якунларини муҳокама этиб, янги ўқув йили вазифаларини белгиласди. Унда корхона партия комитетининг секретарининг идеология ишлари бўйича ўринбосари В. Августинович ахборот берди. Ишчиларда пропаганда ишларининг методик ўқувини ташкил этиш, унга олий ўқув юрлари мутахассисларини кенг жалб

этишга аҳд қилинди. Пропаганда ишлари семинарларида лекциялар қандай тайёрлаш, қандай тарғиб қилиш, тингловчиларни қай тарихи қизиқтириш, ўқувни ҳаёт билан узили боғлаб олиб бориш, ходимларнинг снсий ва профессионал ўқувини уйғунлаштириш масалаларига муҳим эътибор қаратилди.

Партиком янги ўқув йилида машгулотларини партия XXVII съезди қўйган талаблар асосида олиб бориш режаларини белгиласди.

Намунали хизмат учун

3-автобус паркда ҳар кун 37-маршрут бўйича 255 автобус йўлга чиқарилади. Бу маршрутларнинг Ниқолай Ефремов, Махмуд Мамамадалиев, Мирвали Маддалиевлар бошлиқ бригадалари яхши натижаларга эришмоқдалар. Илгиринг II квартал бунча пландаги 1 миллион 582 минг сўмлик ўрнига 1 миллион 654

минг сўмлик хизмат кўрсатишди. Бу пландагидан 72 минг сўм кўп. Транспортчилар ҳар кун қарийб 265,2 минг йўловчини манзилларга элтишяпти. Ой мобайнида 8 миллион 220 минг йўловчи ташилди.

Яқинда корхонада социалистик мусобақа голбларига маъмурият ва касаба-союз комитетининг мукофот-

лари топширишди. Ҳайдовчилар Павел Шлапаков, Марсель Гаптов ва Нураҳмад Аминовлар шундай ҳурматга сазовор бўлдилар. Корхона транспортчилари бу йил 100 миллион йўловчи хизмат кўрсатиш ниятдандилар.

И. РАҲМАТУЛЛАЕВА, В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг студенти.

Тошкент область партия комитетида

16 июлда Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитетининг бюро мажлиси бўлиб ўтди. Унда КПСС XXVII съезди ва КПСС Марказий Комитетининг июнь (1986 йил) Пленуми талаблари асосида саноатни реконструкция қилиш ва техник жиҳатдан қайта қуrollантиришга ажратилган капитал маблағлардан самарали фойдаланишга ҳодимлар масъулиятини ошириш юзасидан ташкилий-сиёсий ишларни амалга оширмаётганликларни кўрсатишди. Мазкур масала юзасидан раҳбарларнинг, мутахассисларнинг ҳисоботлари партия йиғилишларида, партия бюроси мажлисларида эшитилмади. Бу долзарб муаммо маъмурият фаолиятини назорат қилиш комиссияларининг иш планларига ўз ифодасини топилади.

План ва банк органларининг раҳбарлари иш услуби методларини сўз қайта қўймоқдалар, асосан кабинетда ишлаб, қорғозбозлик ҳукм сурумоқда. Ана шунинг натижасида реконструкция ва техник қайта қуrollантиришга ажратилган ка-

питал маблағларнинг самарадорлиги кескин пасайиб кетмоқда. Планлар одатда қўрилиш ташкилотлари қўрилари билан, материал-техника ресурсларини етказиб бериш билан, кадрлар тайёрлаш, янгидан вужудга келтирилатган қувватларга зарур мутахассислар тайёрлаш, ёрдамчи ишларни механизациялаш, ремонт базаси, турар жой, маиший шарт-шароитларни вужудга келтириш билан мувофиқлаштирилмаган. Ишга тушириш муддатлари бир ярим-икки марта қўшиб юборилляпти. Объектларнинг ўз-ўзини қоплаш муддати ортиб кетмоқда, сарф қилинган давлат маблағлари эса маҳсулот сифатига, меҳнат унумдорлигининг ўсишига, иш ўринларининг қисқаришига, материал ҳажмларининг ва маҳсулот таннархининг ка-

майишига, моддий ва ёнил-гиз-энергетика ресурсларини иқтисод қилишга, корхоналарнинг иқтисодий иш кўрсаткичлари яхшиланishi-га кам таъсир қўрматмоқда. Планларда маънавий ва жисмоний жиҳатдан эскирган ускуналарни такомиллашганлари билан алмаштириш ўрнига қўрилиш-монтаж ишлари ҳажмининг ҳиссаси катта бўлиб турибди. Бу ҳол биналар ва ишоотлар қурилиш ортиб кетишига, асосий фондларнинг актив қисми янгиликларни қамайишга олиб келмоқда.

Область партия комитетининг бюроси область план ва банк органлари партия ташкилотларининг (Е. И. Шарипина, С. В. Дорохова, И. Ф. Ботановская ўртоқлар), раҳбарларининг (Т. П. Нурдодов, В. А. Котов, Т. Т. Турраев ўртоқлар) саноатда реконструкция ва

техник қайта қуrollантиришга ажратилган капитал маблағлардан самарали фойдаланиш учун ҳодимларнинг масъулиятини ошириш юзасидан иш КПСС XXVII съезди ва КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми талабларига жавоб беришди, деб таъкидлади. Бюро мавжуд камчиликларини тезда бартараф этиш ва таъсирчан чоралар қўриш, ишчи қайта қурилиш, социал-иқтисодий ривожланиш жаддаллаштириш соҳасида партия қўрсатмалари талабларига мувофиқ актив инвестиция снбатини ўтказиш учун барча бўғин кадрларига нисбатан талабчанлигини оширишни талаб қилди.

Область партия комитетининг бюроси бошқа бир қатор масалаларни ҳам муҳокама этиб, улар юзасидан ҳам қарорлар қабул қилди.

Замондошимиз



Ҳозир республикамизда нашр этилаётган китобларнинг асосий қисми «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмаси босма-хоналарида тайёрланади. Бу ерда ўз касбининг севган юзлаб аъло меҳнаткашлари меҳнат қилишяпти. Шундан бири бирлашманинг биринчи босмахонасида қарийб чорак асрдан бери ҳалол меҳнат қилиб келаётган Ҳосият Деҳқонбоевадир.

Ҳосият опа китоб арақларини елмайди. Китобларнинг полиграфик жиҳатдан юқори сифатли, титилиб кетмайдиган бўлиши кўп жиҳатдан унинг меҳнатига боғлиқ. Ҳосият опа ўз касбининг пухта эгаллаган. Шу билан бирга энциклопедия вазирига масъулият билан, сийқидилдан муносабатда бўлади. Унинг қўлидан ўтган маҳсулот ҳамина аъло сифатда қабул қилинади.

Дарҳақиқат, Ҳосият Деҳқонбоева бирлашмада меҳнати билан обрў-эътибор топан ишчилардандир. У республика матбуот, полиграфия, китоб савдоси Давлат Комитетининг Фахрий ёрлиғи, «Коммунистик меҳнат зарбдори» нишони билан тақдирланган. Бирлашма коммунистлари уни корхона партия бюросига аъло қилиб сайлашган. Ҳ. Деҳқонбоева ҳозирги кунда КПСС Марказий Комитетининг Мурожаатномасига жавобан қайтар билан меҳнат қилишга, корхонада ўн иккинчи беш йилликнинг биринчи йили топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун давом этаётган социалистик мусобақада голблик қилишга интиляпти.

СУРАТДА: илгори полиграфчи Ҳосият Деҳқонбоева.

Акс садо

Шаҳримизда сайлгоҳлар кўпайсин

«Тошкент оқшом» газетасининг шу йил 23 май сонда «Шаҳримизга пиедалар зонаси керак» сарлавҳаси остида босилган маспаҳат хат оқшомхонларда катта қизиқиш уйғотди. Шу муносабат билан «Тошкент оқшом» муҳбири Ўзбекистон

ССР халқ ёзувчиси Раҳмат Файзийдан бу борада ўз мулоҳазаларини билдиришни илтимос қилган эди. Қўйида адабнинг фикр-ўйларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

Ёзувчи ўйлари



Раҳмат ФАЙЗИЙ,
Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИНИНГ МИНГ ФАВВОРАСИ

(Орзуга айб йўқ)

Тошкент жаҳон назариди. Халқро аҳамият касб этган, мавқеи, обрў-эътиборига кўра ҳар хил фаввалари номига қўйиб аталадиган шаҳардир: Нон шаҳри, Тошкент руҳи, Шарқ машаъли, Меҳмондўст шаҳар, Фестиваль шаҳри, Ўстани шаҳри... Ана шу фаввалар қаторига Тошкент — орам шаҳри деган янги сифат беришди. «Оқшом» газетасида сўзлардаги ҳайрли ишчи бошлаган архитектура леримиз, шаҳарсозликнинг диди ўткир, қўли гул меъморлари, мутасаддиларимизга — ҳаммамизга боғлиқ. Агар орзу рўёбга чиқиб, шаҳримиз марказида унинг шаъни, мавқеи, гашадагидан оромгоҳ яратсак, олтин узукка ёқутдан ҳақ бўлиб тушди, (назаримда, пиедалар зонаси деб аталган галатроқ, қулоққа эшитилгани ором, сайр деган тушуночларга ёпишмайди. «Оромгоҳ» деганимиз кел-ади, авлодлар ҳам биздан миннатор бўладик, қисқаси, Отуловсиз, аравадиз, машина-трамвайсиз кўчада сайроғи барпо этиш ҳақидаги тақлиф айни мундоқ.

Шаҳар нуфуси икки миллиондан ошиб кетди. Серферанд оиламиз, болажон халқимиз. Йигирма биринчи аср эшик қопқпти. Ҳадемай уч миллионинчи ҳамшаҳримизнинг ингисини эшитамиз. Шунга яраша иш тутишимиз, кенг, кўрак, ҳамма жиҳатдан қўлай, кишининг бахридигини ечадиган, меҳмонларнинг хавасини келтирадиган, қувонтирадиган, бир сўз билан айтганда халқимизнинг ўткир диди, нозик таъбини, ҳаётдаги, удуидаги берча фавваларга табиий ва маънавий бойлиги — биситини ўзда акс эттирадиган сайроғи бўлиши шарт. Яна бунинг устига сайроғимиз шаҳарнинг марказида, транспорт воситалари яқинида, томошоғоҳлардан, ҳатто бозорлардан унча узоқ бўлмаган жойда бўлиши маънавиятга мувофиқ. Энг муҳими — сув! Ҳамма жиҳатдан мукамал бўлсаю ариқларда суви шарқириб оқиб турмаса, ердан отилиб чиққан ёмғирдек камалак ренгида жи-

поланмаса сайроғи демаса ҳам бўлади. Шаҳримиз иқлими шуни тақозо этади. Мундоқ — Тошкентимиз оқшомининг ҳузурубаш оромгоҳи бўлса. Ҳаммамиз яхши биламизки, Ўз бошланishi билан, айниқас кечқурунлари Навоий театри олдидаги, Ленин номидаги майдон, Паралел хёбаондаги, Ҳадродаги фаввораларига эмас, парилар, хёбаонлар, майдонча, гулзорлардаги кичикроқ фаввораларнинг атрофи одамларга тўлиб кетади. Утирадиган жой «топилмайди. Ҳатто қариялар ноилж дуч келган жойга ўрнатиб олишяпти. Разм солган бўлсангиз шаҳарнинг қаерда кичикроқ бўлса ҳам фаввора бўлса ўша ерга уради ўзини одамлар. Ҳатто баъзи гулзор, хёбаонларни сугориш найчаларидан сув отилиб турган жой ҳам гажум бўлади. Бу фаввораларнинг биронтаси атрофда Карл Маркс кўчасида бир неча ҳафтадан бери ўтказилган сайроғидаги шартушаронтларнинг урвоғи ҳам бўлмайди, йўқ ва бу ерга келиб қоридик чикаринг деб ҳеч ким тақлиф ҳам қилмайди. Бироқ бу ерларда бўладиганлар Карл Маркс кўчасидан кўп бўлса, қўлки, кам эмас. Демократизмиз, сайроғи деганда суви унут — тўй қилиб сурнай чалмасликдай гап. Шаҳримизнинг яқин ўтмишини эслайдик. Урдадаги анҳор сувида Чорсуга қараб кетган анҳор бўлар эди. Навоий кўчасининг бошидан обигаҳа қўзилган ярмакка шундоқлигича бамисоли ертўлага тушгандай пастга тушиб олди. Ҳозир бошига нодир тортиб, савдо-сотигини давом эттирадиган жойлар ўша анҳорнинг ўрни бўлади. Унинг давомчи ҳар қар ҳар қаерда, ҳали тупроқ тўкиб қўйилмаган жойларда, Ҳадродаги чойхона-ошона орқасида, «Москва» меҳмонхонасининг орқасида ўша анҳор ўзани кўришиб турибди.

[Давоми 2 ва 3-бетларда].

Район партия комитетининг пленуми

Ленин район партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленум қатнашчилари КПСС XXVII съезди қарорлари асосида район меҳнат коллективларини иқтисодий,

социал-сиёсий ва маданий ривожлантириш вазифаларини ҳал этишда идеологик, оммавий-сиёсий ишларнинг таъсирчанлигини янада ошириш юзасидан район партия

ташкilotининг вазифаларини муҳокама этдилар.

Район партия комитетининг биринчи секретари В. Д. Ардатов доклад қилди.

[Охири. Боши 1 ва 2- бетларда].

КИНО

● Газета яшанбадан ташқари ҳар кунин бир йилда 300 марта чиқади. Тиражи — 50.381. Б—2042. Индекс 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10